

Жоҳилият шартномаси

05:00 / 14.03.2017 2869

Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Мен амакиларим билан бирга мутоййибийн шартномасига ҳозир
бўлганман. Мен уни, менга қизил туялар бўлса ҳам, бузмоқчи
эмасман», дедилар».**

Шарҳ: Ушбу ривоятнинг «Ал-адаб ал-Муфрад»да келган матнида «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» жумласи тушиб қолган экан. Аммо имом Аҳмаднинг ривоятида бор экан. Шунинг учун қўшиб қўйишга жаръат қилдик. Чунки шартномага Абдурроҳман ибн Авф эмас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари билан қатнашганлари маълум ва машҳур.

«Мутоййибийн» иборасини «хушбўй суртувчилар» деб таржима қилсак асл маънога яқинроқ бўлади.

Бу ҳадиси шарифда сўз кетаётган шартноманинг тарихи қуйидагича.

Қурайшга мансуб тўққизта уруғ – жумладан, Бани Ҳошим, Бани Зухра,

Бани Тиймлар пайғамбарлик келишидан бир муддат олдин тўпланишди. Бунга Бани Абду Манофнинг Бани Абдуд Дордан ҳожиларга сув бериш ва байроқни олишга уриниши сабаб бўлган эди. Ўшанда тўпланганлар бир идишга хушбўй қуйишиб қўлларини унга ботирдилар ва олиб Каъбага урдилар. Сўнг идишни Умму Ҳакийм бинти Абдулмуттолиб орқали Бани Абду Манофга юбордилар. Шунинг учун уларнинг шартномаси «Ҳилфу Мутоййибийн» - «Хушбўйчилар шартномаси» деб аталиб қолди.

Маккага зубайдлик бир киши тижорат ила келди. Унинг молини Осс ибн Воил Саҳмий сотиб олди. Аммо пулини бермади. Ҳалиги одам бошқалардан ёрдам сўради.

Шартномачилар Абдуллоҳ ибн Жадъоннинг ҳовлисида жамландилар ва Маккада унинг аҳлидан ёки келгиндиларидан ким зиумга дучор бўлса, албатта золимга қарши унга ёрдам беришга аҳдлашдилар. Ана ўша шартномачилар ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бор эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлишларидан олдин «Хилфул фузул» деб аталаган шартномага ҳам қўшилганлар. Бу шартноманинг номи уланинг иштирокчиларининг исмларидан олинган. Чунки унда Фазл ибн Ҳорис, Фазл ибн Вадоъа ва Фазл ибн Фазола каби кишилар қатнашган эдилар.

Демак, ёр-дўст, биродар бўлиб, бир гуруҳ бўлиб тўпланиб, яхшиликка, ўзаро ҳамкорликка аҳдлашиб, шу аҳдда туриб, бир-бирига ёрдам бериш, бу жамоанинг ҳаққини, манфаатини ҳимоя қилиб юриш ҳам яхши иш ҳисобланар экан.

Бундай муносабатлар жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муҳаббатни, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилгани учун ровий буни бошқа неъматлардан кўра устунроқ турар экан.

Яхшилик йўлида бошқалар билан ҳам ҳамкорлик қилиш мумкин экан.